

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

МУСТАҚИЛ ЮРТ ОДАМЛАРИ



ҲЕЧ БИР АЁЛ СЕВГАН ЁРИДАН МЕНЧАЛИК КЎП ГУЛ ОЛМАГАН

Феруза ўинчи синфни тамомлагач ўқишга кирмоқчи бўлди. Бироқ кўшни йигит Шерали унга дабдурустдан Феруза илтимос, ўқишга борма, мен сени ўзга нигоҳлардан қизғонман, дейиши галати аҳволга солиб қўйди. Кутилмаганда эшитган бу гапдан уялиб кетган Феруза уйига югуриб кириб кетди. Бироқ, Шералининг илтимосини ерда қолдирмади.

Бугун Шерали ва Ферузахон Эшпўлатовлар уч фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.

Уша воқеадан кейин Феруза аввал Шерали ҳарбий хизматни ўтаб қайтишини кутди. Тўйдан сўнг, олий ўқув юртини тугатишини... Ферузахон ҳар куни эрта тонгда туриб нонушта тайёрлайди, эрини кўчага кузатиб, сўнг уй юмушларини бажариб, яна унинг ишдан қайтишини интизор кутади. Болаларини ўйнагани чиқариб, ўзи дераза ёнида ўтиради, ҳам болаларига кўз-қулоқ, ҳам дадаси телефон қилиб қолсалар, эшитмай қолмайин, деган ҳадик...

-Ферузахон, уйда ўтириб зериқмайсизми?

-Йўқ. Бахтимизга юртимиз тинч бўлса, болаларим, Шерали акам омон бўлса, менга яна нима керак?

Кишга ҳар хил салатлар, мурабболар ёпаман, газда нон пишираман, Шерали акам мен ёпган нонни ёқтирадилар, уй юмушларини бажариб, Жўра-

бек ва Сурайёнинг дарсларини тайёрлатаман. Қишлоқдан тез-тез меҳмонлар келиб туришади, уларнинг хурматини баҳо келтираман.

- Сизга Шерали гул совға қилиб турадиларми?

- Дунёда севган кишидан менчалик кўп гул совға олган аёл бўлмаса керак. Шерали акам ҳарбий хизматга кетаётиб, илк бора оқ атиргуллар совға қилган эдилар. Мен ўша гулларнинг қуриб қолган гулбаргларини ҳали ҳам асрайман.

- Ферузахон, келин бўлиб тушган уйингиздан аразлаб онангизни кимга кетганмисиз?

- Йўқ, ҳеч қачон. Келин бўлиб тушгач, то Шерали акам ўқишни битиргунларича қайнонам, қайни-қайнисингилларим, овсинларим билан бир ҳовлида турганман. Тўғри, баъзи келинлар ҳовлида юмуш кўп дейишади. Аммо, юмушлар вақтнинг бир қадар сезилмай ўтишига ёрдам беради, мен учун жондан азиз бўлган инсоннинг кечкурун ишдан келишини яқинлаштиради.

- Ферузахон, сиз эрингиздан бирон марта менга тилло узук ёки тилло занжир олиб беринг деб талаб қилганмисиз?

- Йўқ. Менинг олтиним у кишининг эссон-омонлиги. Лекин ахён-ахёнда бўлса ҳам, ўзлари олиб берадилар. Мен бу тақинчоқларни дунёда минг қимматбахороқ бўлмасин ҳеч нарсага алмашмаган бўлардим.

- Ферузахон, мен сизнинг майини сўзлашингиз, орасталигингиз, одобингизни Кумушбибига ўхшатаман.

Сиз ҳақиқатан ҳам, меҳру вафода Кумушбининг тимсолисиз. Фақат илоҳо, тақдирингиз ўхшамасин. Ҳаётингизда Зайнаб пайдо бўлиши ҳам мумкинлигини ҳеч тасаввурингизга сиғдира оласизми?

- Ҳозир ўтиш даври, кадрятларимиз, маънавиятимиз тикланаётган бир пайтда, ҳар хил ғарб фильмларига тақдир қилаётган аёллар ҳам учраб турибди.

Аммо, Шерали акамнинг ота-оналари, менинг ота-онам ўзаро меҳр-оқибат бобида бизга ўрнак бўлишган. Қайнонам тўққиз фарзандни, онам эса ўн фарзандни вояга етказишган. Биз ота-оналаримиз бир-бирини ранжитганини кўрмаганмиз.

Шерали акам, раҳматли қайномага жуда ўхшайдилар, у кишининг ҳалол, пок инсон эканликларига ишонаман. Менинг тақдиримда, бошимиз омон бўлса, "Зайнаблар" бўлмайди.

-Ферузахон, Сиз уй бекасисиз, лекин ҳар йили Шерали тугилган кунда бирорта яхши нарса совға қиласиз. Пулни қаерда оласиз?

- Шерали акам упу-эликка, қўйлақлик материаллар олишга пул бериб турадилар. Баъзида бу буюмларни оламан, баъзида йўқ. Йиғилиб қолган пулга кўпинча Шерали акамнинг ўзларига совға оламан. Тез-тез у киши севган гладиолус гулларидан албатта катта гулдаста ҳам оламан.

Яқинда Шералижон ва Ферузахонлар оиласида яна бир қувончли воқеа юз берди. Шералижон Магистрлик диссертациясини ёқладилар. Ферузахон фарзандлари Жўрабек, Сурайё ва Дил-

нозахонлар билан унга катта гулдаста тақдим қилишди.

Сўхбатлашиб ўтирганимизда Шерали кириб келиб қолдилар. Пайтдан фойдаланиб саволга тутдим.

- Шералижон, Ферузахонни кўп йиллардан буён Кумушбиби деб аташимдан хабарингиз бор. Ўзингиз ҳам фарзандларингизнинг ойисига ҳақида бир оғиз сўз айтсангиз.

- Биласизми, мен эшиқдан кириб келганимда Ферузанинг салом бериб қарши олишига шу қадар ўрганганман-ки, баъзан қишлоққа-уйга кетишса, эшикни ўзим очиб кирсам ўртаниб қоламан, уй гўёки мени ютвораман дейди. Биз рўзгорга тегишли ҳамма ишни маслаҳатлашиб қиламиз. Ферузада катта бир ички маданият бор. Қизларим Сурайёхон ва Дилнозахонлар ойисига ўхшаб улғайишларини истайман. Ферузахон ҳам рафиқам, ҳам энг яқин дўстим. Биз ҳам кўпчилик ёшлар каби ижара уйларида турганимиз, қийинчиликлар кўрганмиз. Ферузани ҳеч қачон нолиганини эшитмаганман.

Мен Ферузани севиб танлаганман, у ҳамон юрагимнинг ягона маликаси.

Ҳа, оила жамиятимиз асосидир. Ҳозир Ферузахон 32, Шералижон 33 ёшда. Биз Оллоҳдан уларнинг қўша-қариб фарзандларининг роҳатини кўриб юришини тилаб қоламиз.

Гулнора
РАҲМОНОВА

ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

1. **Мустақиллик, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак деганда сиз нимани тушунасиз?**
2. **Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, Сиз яшайтган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?**
3. **Ўзбекистоннинг эртанги кунини ва унда ўз ўрнинингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур - сизни нималарга даъват этади?**



МУСТАҚИЛЛИК - МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



1. Бундан саккиз йил аввал бу саволга жавоб бериш бир-мунча мураккаброк эди. Чунки Ватанимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларда баъзилар довдираб қолган эди. "Энди бугеги нима бўлади?," - деган иккиланиш бор эди кўнглиларда. Худога шукр, бугун ўша кайфиятдан чиқиб кетмокдамыз. Мустақиллик бизга эрк берди. Ўз еримизга, киндик қонимиз томган Ватанимиз бойликларига Мустақиллик туфайли эришяпмиз. Аждодларимиз орзу қилган бу кунларнинг қадрига етмоғимиз, Мустақиллик туфайли тикланаётган кадрларнинг асраб-авайламоғимиз лозим.

2. Амурдەر Қорақалпоғистоннинг катта туманларидан бири. Аҳолимиз асосан қишлоқ ҳўжалиги билан банд. Одамларимиз ишга қаттиқ ёпишган. Агар одам боласи эртасига, келажакига ишонмаса меҳнатга қўли бормайди. Тиришиб, захмат қилаётгани, демак умиди бутун. Бу менинг қутлуг байрам арафасидаги энг катта қувончим. Мен уч йилдан буён ХДПнинг Амурдەر тумани партия кенгаши котибаси бўлиб ишлайман. Кейинги бир-икки ой ичида, феврал воқеаларидан сўнг аҳолимизнинг турли қатламлари партияимиз сафига кирмоқдалар. Аёллар ҳам кўп бу сафда. Демак, менинг элдошларим Ватанимиз сиёсий ҳаётига ўзларини дахлдор деб ҳис этмоқдалар. Ўзгариш, янгиланишлар кузатувчиси эмас, фаоли бўлишга ўзларини бурчли сезмоқдалар. Бу менинг яна бир қувончим. Йигиллишлар, юзма-юз мулоқотлар, яққамаякка суҳбатлар билан халққа яқинлашяпмиз, кўпроқ уларни тинглапмиз.

Бу нарса шахсан мени доим изланишга, доим ўзимни назорат қилишга ундайди.

Тўртта фарзандим бор. Она сифатида ҳам, фуқаро сифатида ҳам келажақ ҳақида кўп ўйлайман. Туманимизда мусиқа мактаби, чет тиллар лицейи, қишлоқ ҳўжалиги ва ихтисослашган коллежлар бор. Аммо ёшларимизнинг эртасидан кўнглимиз тўқ бўлиши учун бундай ўқув масканлари кўпайтирилиши керак. Болаларимизни илм-хунарга йўналтириши биринчи гадаги вазифамиз деб ҳисоблашаётимиз керак.

3. Ўзбекистон буюк тараққиёт йўлида шитоб билан ривожланиб бормоқда. Юртимизнинг буюк келажаги ёшлар қўлида. Ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуси мени кўпроқ халқ орасида бўлиб, фидокорона ишлашга даъват этади. Қолаверса, бизга Амурдەر яқин, тангри суйган элини дарё билан сийлайди. Дунёда бир томчи сувга зор, осмондан ёмғир кутиб яшайтганлар қанча. Шунинг учун бу кунлар, бу имконларни ғанимат билалайлик, деган истак доим фикр марказимда туради. Мен Истиқлол байрамимизга ана шундай шиддатли ўйлар билан қадамлаб келаяпман.

Ўғилжон ЁҚУБОВА,

Ўзбекистон ХДП Амурдەر тумани партия кенгаши котибаси

ВАТАН МЕҲРИ ЭНГ ОЛИЙ ТУЙҒУ

Ота-боболаримиз, бувижон онахонларимиз юрт мустақиллиги ҳақида дилдан орзу қилганлар. Лекин, тарихимиз гувоҳ орзуларининг рўёбга айланиши осон кечмади. Зотан бу ҳаётда ҳеч бир нарса воқеа-ҳодиса қийинчиликсиз, захмат машаққатларсиз ҳамирдан қил сугургандек осонгина рўй бермайди. Агар инсон бахту саодат қадрига осонгина эришганида эди, дунё бу қадар азизу лазиз бўлмасди.

Мен оддий бир аёлман, ҳаётимда оламшумул қаҳрамонликлар ҳам қилганим йўқ. Ордено-медаллар билан ҳам тақдирланган эмасман. Гарчанд бир умр меҳнат қилдим, эрим билан елкама-елка туриб рўзғор аравасини тенгма-тенг тортидим.

Мен аёлман, менинг рўзғордаги икир-чикир юмушларимнинг ва яна беш фарзандни дунёга келтириб оналик қилганимнинг ўзиёқ машаққатли меҳнат-ку, деган гапни ҳеч қачон кўнглимдан ўтказганим йўқ. Бу ҳатто ҳаёлимга ҳам келмаган. Лекин биласизми, ҳурматли Президентимиз бу йилни аёллар йили деб атаганларида аёлнинг ҳаётдаги ўрни аҳамиятига алоҳида меҳру-муҳаббат билан баҳо берганларида кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шукроналик туйғуси вужудимни қамраб олди. Аёллигимиз, оналигимиз буюк саодатимиз эканлигини дилдан ўтказдим. Ана шу туйғу учун Президентимизга ташак-

куримни изҳор этаман. Шу ташвишлар билан қоришиқ тарзда ёшлимиз ўтди, умримиз ҳам ўтиб борапти. Меҳнат нафақасига чиққанга ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Фарзандларимиз улғайди, уларнинг ўзлари ҳам бирин-кетин бола чақали бўлишмоқда. Худога минг қатла шукр Ватанимиз мустақиллигини кўриш, ҳис этиш бахтига эришдик. Қадриятларимиз ўзимизга қайтди, тилимизга давлат мақоми берилди, кўчалару маҳаллаларимиз номи, қиёфаси, руҳи миллатимиз руҳига мос бўлди.

Байроғимиз жаҳон минбарларида мағрур ҳилпираб турибди. Ўзбеклигимиздан, шон-шарафга тўлиқ тарихимиздан, бугунги кунда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан ифтихор қиламиз, қаддимиз тик, бошимизни баланд тутамиз. Вақт ўтавераркан, улғайиб, кексайиб боравераркансану, дунё кўзинг ўнгида қадрлорқ, чиройлироқ бўлавераркан. Ватанга-элу юртингга ошқу шайдолигинг ортгандан ортавераркан. Ва кўнглингдан эзгу-тилак, мақсад жой оларкан. Ўзбекистон деган юртга кўз тегмасин. Ўзбекистон деган юртинг обрў-этибори юксалаверсин.

Муқаддам Муҳаммадиева,
меҳнат фахрийси.
Б.Туробова тайёрлаган.
Самарқанд.

«SOS-БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» ҚУРИЛАДИ

Яқинда "SOS-Киндердорф интернейшнл" халқаро жамияти Президентини Хелмут Катин бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкентга ташриф буюришди.

Шу ўринда бу жамият ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. "SOS-Киндердорф интернейшнл" жамияти ҳимояга муҳтож етим болаларга гамхўрлик кўрсатади. Бу халқаро жамиятга дунёнинг бир юз ўттиздан зиёд мамлакат, шуниқддек, Осиёнинг 12 давлати ҳам бу жамиятга аъзо. Ўзбекистон ҳам яқинда шу жамиятга аъзо бўлганлиги қувонарли ҳолдир.

"SOS-Киндердорф интернейшнл" Президент бошлиқ делегация аъзолари Тошкент шаҳрида барпо этиладиган "SOS-Болалар маҳалласи" қурилишига биринчи ғишт қўйиш маросимда иштирок эттиди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу хайрли тадбирнинг ташаббускори "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат жағмармасидир. "SOS-Болалар маҳалласи"нинг Тошкентда бунёд этилиши бежиз ўз бермади. Халқимиз азалдан болажонлиги дунё аҳлига маълум. Юртдошларимизнинг бу фазилати айниқса II жаҳон уруши йилларида намён бўлди. Ўзбек халқи неча минглаб етим-есирларни ўз бағрига олди. "SOS-Болалар маҳалласи" қурилиши 2000 йилнинг ноябрь ойида яқунлаштириш кўзда тутилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ажратиб берган 5 гектар ердан иборат май-

донда бунёдга келадиган "Болалар маҳалласи" ўн тўртта кotteждан иборат бўлиб, унда келажақда юзлаб болалар истикомат қилишади. "Болалар маҳалласи"нинг барча сарф-харажатлари ва замонавий кotteжни жиҳозлаш, унда яшайдиган болаларга гамхўрлик қилишни "SOS -Киндердорф интернейшнл" халқаро жамияти ўз зиммасига олди.

"SOS -Киндердорф интернейшнл" халқаро жамиятининг мақсади эзгу, дейди шу жамиятнинг Президентини Хелмут Катин. - Яъни, етим ҳимояга муҳтож болаларга ирки, дини ва келиб чиқишдан қатъий назор оиладаги сингари тўлақонли муҳит яратиб бериб, қалбида келажаққа умид уйғотиш, энг муҳими уларни оналик меҳридан баҳраманд этиш. Мана, "SOS-Болалар маҳалласи"нинг пойдеворида биринчи ғишт қўйилди. Эндиликдаги орзуимиз келгусида ана шу маҳаллани ўз эгаларига қуриб бериб, болакайларнинг баркамол воғга етишлари учун ўз ҳиссамизни қўиш...

"Келажақ бугундан бошланади", дейди юртбошимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, шундай. Юртимизда олиб борилаётган хайрли тадбирлар ҳукуматимизнинг эртанги кун эгалари-болалар тақдирига бефарқ эмаслигидан далolat беради.

Фарида ТОҲИРОВА



ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

● Ўтган ҳафта бошида Тошкентда БМТ шафелигида Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат - Эрон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, шуниқддек, АҚШ ва Россия киради.

"6+2" гуруҳи учрашувида "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида" Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

● Миллий матбуот Марказида Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) раҳбарлари иштирокида ўтказилган матбуот конференциясида ХКА Президенти Комилжон Юсупов бу ташкилот хозиргача сайёраимизнинг 5 қитъасидаги 70 дан ортққ мамлакат билан маданий спорт алоқаларини ўрнатганини маълум қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

● Юртимизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли, унинг асосий йўналишлари Президентини Исрол Каримовнинг асарларида қадамба-қадам ўз ифодасини топмоқда. Бу китоблар чет мамлакатларда ҳам таржима қилиниб кўп минг нусхада чоп этиб келинапти. Қуни кеча Президентимизнинг яна бир китоби Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида араб тилида нашр қилинди.

● Ўзбекистоннинг "Асака" ихтисослашган давлат-акциядорлик тижорат банки 1998 йил яқунлари бўйича биринчи марта жаҳондаги мингта йирик банк рўйхатида киритилди. Бу-мингта энг яхши банк рўйхатида киритилган Ўзбекистоннинг иккинчи банкидир.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

СИЗ УЛАРГА БАХТ ТИЛАНГ «ЮРАК-БАҒРИМНИ ТИЛМАНГ, ОНАЖОН»-22-сон

Бу мақолани ўқиб фақатгина Шерзоднинг ота-онасига эмас, барча ота-оналарга қараб шундай дегим келади. "Эҳ, ота-оналар, сизлар фарзандларингизни фақат бахтли бўлишларини истайсизлар, баъзида эса уларнинг бахтсиз бўлиб қолишларига сабабчи бўлиб қолганликларингизни сезмай қоласизлар"...

Менимча Шерзоднинг ота-оналари ҳам шу нарсани ўйламаётгандирлар.

Менинг ҳам опаларим бор. Уларнинг иккитасини турмушга берганмиз - Раҳима ва Санобар. Тўғриси айтсам опаларининг турмушга ҳавас қилса арзийди. Уларнинг иккаласи ҳам ўзлари севган инсонига турмушга чиққан. Бунга ҳеч ким қаршилик

қўрмаган. Ҳозирда улар бахтли яшади. Гарчи мен маслаҳат беришга ёшлик қилсам-да, юрагимдаги сўзларни қозоғга тўширишга аҳд қилдим.

Хурматли холажон (исмларини билмайман) ўйлайманки, сиз ўғлингизнинг бахтли бўлишини хоҳлайсиз, лекин ўтганларнинг қилмишлари учун фарзандлар жавоб бермайди-ку. Шундай экан холажон ва барча ота-оналар фарзандларингиз бахтига тўғаноқ бўлманлар. Улар қурмоқчи бўлган бахт қасрининг қурилишига ёрдам беринлар. Вақт ўтгандан сўнг афсус қилишнинг фойдаси йўқ.

Бахт қасрини қурмоқ бўлсанг, Омад йўлга йўлласин. Ўтиб кетган боболарнинг Пок руҳлари қўлласин.

Ҳа, бу мисраларда ҳикмат жуда кўп. Балки Шерзод ва Соҳидларга жанжаллашиб ўтган боболарнинг руҳлари мадад бўлиб бахтли бўлиб кетишар. Холажон, сиздан илтимос, юртимизда яна бир бахтли оиланинг яратилишига ўз хиссангизни қўшинг. Ўйлайманки, қўлларингизни оқ фотиҳага очиб, уларга бахт тилайсиз. Зеро, ота-боболари жанжаллашиб ўтганларнинг фарзандлари аҳил ва иноқ бўлиб кетишсин.

Ўғлингиз, келиннгизга бахт тиланг, онажон! Неваралар эгагингиздан тортиқиласин, онажон, шундай бахтли дамларни кўриш сизга ҳам насиб этсин. Баъзан эслаб, бизларни ҳам дуо қилинг онажон.

Гўзал Бекмуродова, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани

БУ БОРАДА ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ

Мен ҳам кўплар қатори газетанинг ашаддий мухлисман. Унда ёритиб берилган мақолаларнинг айримларини ўқиб ҳайратда қоламан. Масалан: "Оиласи бор йигитни севиб қолдим", "Менинг оилам, фарзандларим бор, бошқасини севиб қолдим маслаҳат беринг", деб ёзилган сўзларни ўқиганимда юрак-юрагимдан нафрат тўла шевърий сатрлар чиқа бошлади.

Мен асли шоир бўлмасам-да гоҳи-гоҳида ҳаётдан таъсирланиб шевърлар ёзиб тураман. Мана шу шевърларимдан иккитасини иродасиз йигит-қизларга жавобан йўлламоқчиман.

ҚИЗГА

Ёш экансиз синглим, жуда ёш экансиз, Ёшлик нима жуда ҳам бевош экансиз, Ўн гулингиз очилмаган ҳали бири, Қадрин билмас қўлмақдаги тош экансиз.

Била туриб севдингизми ёри борни, Мухаббат деб унутибсиз номуси орни, Мафтун қилиб, синглим нима қилардингиз, Юрағида сиздан ўзга зори борни.

Биласизку кўёшда қор эриб кетар, Ёз келганда фасли баҳор ўтиб кетар, Вақти келиб сиз сингилган бегона ёр, Қон йиғлатиб сиздан юзин буриб кетар.

Ақлин олар сиздан сулув гўзалроғи, Бошқасини қўмсаб қолар кўнгил боғи, Ўшанда кеч бўлмасин деб ачинаман, Ҳар балодан ёмон бўлар юрак доғи.

Қачонлардир ўшал ёрнинг дилдори ҳам, Сиздан гўзал бўлган висол дийдори ҳам, Энди сўлгин кўрингайдир ғамгин юзи, Мангу гулдек турмайсизку ўзингиз ҳам.

Сўнгра афсус надоматга ўрин қолмас, У сиз учун бегонадир, сизга ёрмас, Ёшлик қилиб гул ўрнига экманг тикан, Сиз севарсиз ул ёр сизни сева олмас.

Мухаммадман сизга насаҳат айлаган, Ҳақиқатман сизга аччиқроқ сўйлаган, Қайтинг синглим бу йўлингиз равон эмас, Иккинчи ёр бўлиш асли осон эмас.

ЙИГИТГА

Эй биродар десам қандай бўлар экан, Ёки дўстим дея айтсам тўғримикан, Нима бўлса, бўлди ука дегай, Кўзингизни бироз очиб кўя қолай.

Нима бўлди сизга қараб хайронаман, Қилмишингиз кўриб кўнгли вайронаман, Хат ёзибсиз газетага дoston қилиб, Бир гўзални севдим, нима қилай дея.

Ёнингизда ёрингиз бор, жонингиз бор, Болдан ширин зурриёда қонингиз бор, Нима керак бошқасига кўнгли бериб, Уйингизда сизни кутар зорингиз бор.

Аввал ўйлаб сўнгра мактуб ёзмабсизда, Ёш қизчани тақдирга қўймабсизда, Бу севгимас сиздан чиққан фиску фасод, Ўз "синглингиз, қиз" ўрнига қўймабсизда.

Ёш қизчани алдаб бошин айлантириб, Юрибсизда ўз кўнглингиз чоғлантириб, Қиз бечора довдирган ишқ йўлида, Қўйибсизда гуноҳ йўлга боғлантириб.

Мард йигитлар асло бундай қилмайдилар, Бирин қўйиб бошқасини сўймайдилар, Қўйинг энди укагинам қайтинг орта, Бир юракка икки севги сиғмайдилар.

Ўқиб яна қарғаб юрманг Мухаммадни, Оллоҳ берсин сизга инсоф ҳидоятни, Биров бахтин юлиб бахтли бўлолмайсиз, Ўз ҳолига қўйинг энди Мухаббатни.

Эй укаларим, сингилларим, сизларга маслаҳатим шуки, севги, муҳаббат ҳақида тўғри хулоса чиқаришга ўрганинг, севги йўқ эмас, бор. Бу тўғру ҳаммининг бошидан ўтади. Севги ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Аммо ҳақиқий севги ўйла-ниб турмушга чиққанингиздан кейин бошланади. Икки ёш бир-бирини хурмат қилса, бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлса бундан ортиқ олий севги бўлмайди. Ҳаётда тўғри қарор чиқаришга ўрганинг. Сиз севгилими деб атаётган инсон севгингизга муносиб инсонми? Ҳатто ота-онадан кечаман, севгилими дейман, деб оҳ-воҳ қиладиганлар бор. Шошманг! Сизни деб ўз оиласидан, фарзандларидан кечаётган бадбахт вақти келганда сиздан ҳам кечиб кетмасикин?

Мухаммад СУЛАЙМОНОВ, Фарғона шаҳри.

ТЎЙНИ ТЕЗРОҚ БОШЛАНГ... «ЧОРА ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИМ»-24-сон

Хурматли Бехруз! Сиз билан менинг ёшим тенг экан. Шунинг учун гапларимни қайси маънода қабул қиласиз, бу ўзингизга ҳавола!

Сизни фалакнинг гардиши шундай синовга рўбарў қилиб қўйган экан, сиз бундан чўчимасдан иродали бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз Мадинага албатта ўйланишингиз керак. Чунки сизда йигитлик гурури бор, уни пой-мол бўлишига йўл қўйманг. Агар сиз Нигорани хафа қилишни истамайман деб, Мадинадан воз кечсангиз, сизни келажакда бундан оғир синовлар кутаётганини ҳам унутманг. Бунинг бир томони, Мадина бир куни албатта

бола кўради. Мадина болам билмасин деб турмушга чиққан тақдирда ҳам, бола бир куни ҳақиқатдан хабар топади. Ахир ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди. Шунда бола сиздан ҳам, Мадинадан ҳам нафратлана бошлайди. Сизларни ҳеч қачон кечирмайди. Яна бир томони халқимизда "Нимани қилсанг хор-шунга бўласан зор" деган нақл бор. Худо кўрсатмасин, агар сиз болани хор қилиб ташлаб қўйсангиз, келажакда тирноққа зор бўлишингиз мумкинлигини ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Ота-онангизга хабар беринг, бўлган воқеани тушунтиринг, улар албатта тушунишади. Уларда ҳам юрак бор ахир! Сизга мас-

лаҳатим тўйни тезроқ бошланг, Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Мана мени ҳам айтди дерсиз. Нигорани бўлса унутишга ҳаракат қилинг. Қандай қилиб, унутиш осон экан-да дейишингиз мумкин. Аммо у қиз бола, ҳали бахтли бўлишга ҳаққи бор. Ўткинчи севгини деб келажакнингизни қурбон қилманг тенгдошим Бехруз!

Ахир айтишади-ку, "Сўнги пушаймон-ўзинга душман" деб. Кейин афсус чекиб юрманг. Менинг гапларим сизга оғир ботган бўлса, узр сўрайман. Сизга бахт тилаб қолувчи тенгдошингиз.

Н., Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

«ЎГАЙ» ДЕГАН СЎЗНИ ХАЁЛИНГИЗДАН ЧИҚАРИНГ «МЕН КИМГА СУЯНГУМ»-24-сон

Синглим Меҳринисо! Сиз дадангизни ўғай эканлигини билиб қолганингизни, ўз отангизни эса кимлигини, қаерда яшашини билмаслигингизни ёзибсиз. Сиз ҳали ёшсиз, шунинг учун ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўллари ҳам борлигини билмайсиз. Менимча, ҳеч қайси аёл агар эсли, ақлли, имонли, инсофли одам бўлса фарзандини тирик етим қилиб эри билан ажрашмайди. Биласизми, балки ўша одам сизнинг "отам" дейишингизга нолайқдир. Шунинг учун онангиз сизга у киши ҳақида ҳеч нима айтмагандир. Сиз онангизни тўғри тушунинг. Унинг ярасига туз сепманг. Унга ҳам осон эмас. Унинг гаплари кўнглингизга қаттиқ ботмасин. Ҳеч қайси она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Сиз онангиздан беҳуда хафа бўляпсиз. Менимча, дадангиз яхши одам эканлар, бўлмаса дадамдан розиман демас эдингиз.

Келинг, бугундан бошлаб халқингиздаги «ўғай» деган сўзни ўчириб ташланг. Чунки мана шу инсон сизни бекаму-кўст, армонсиз боқди, катта қилди. Мана, ўқишга ҳам киритибди.

Хуллас, ўз отангиз қилмаган, қилолмаган ишларни (ҳолбуки буларнинг ҳаммаси унинг бурчи ва вазифаси эди) мана шу киши бажарибди. Менимча, бу ҳақиқий инсонийликдир!

Меҳринисо, биласизми, аёл кишини фарзандли қилиш ҳар бир эркакнинг ҳам қўлидан келади. Лекин фарзандини тўғри тарбиялаб вояга етказишнинг, қорнини тўқ, устини бут қилишни, касал бўлганда унинг бошида парвона бўлишни, ҳаётда ўз ўрнини топишида жонқуярлик қилишни, қийналган чоғида унга тўғри йўл кўрсатишни, унга ёрдам беришни ҳамма эркаклар ҳам уddалайвермайдилар! Агар отангиз ҳақиқий эркак бўлганда сизни тирик етим қилиб қўймамасди. Ҳеч бўлмаса туғилган кунингизда, байрамларда сизни эслаб, хабар олиб турарди.

Синглим, сиз онангизни ва ҳозирги дадангизни хурматларини жойига қўйинг. Сиз ўз фарзандларига ўғайдан баттар муносабатда бўлган ота-оналарни биласизми? Ёки кўча-кўйга ташлаб кетилган болаларни ўз боласидан оқ ювиб, оқ тараб ўзининг бутун меҳру-муҳаббатини бериб вояга етказган ота-оналарни-чи? Ана шундай мисоллардан тўғри хулоса чиқаринг.

Меҳринисо, сиз бошқа вилоятлик йигитга турмушга қиммоқчи бўлибсиз, лекин онангиз рози бўлмаптилар. Улар тўғри қилиптилар. Чунки "узқонинг донидан яқининг сомони афзал", -деган доно халқимиз. Бу бежиз айтилмаган. Сиз бу нақлнинг мағзини яхшилаб қақинг!

Ҳар бир қиз бола тушган жойида тиниб-тинчисин. Ҳа, яқин-атрофга келин бўлиб тушганларнинг ҳам бошқа хонадоннинг паст-баландини ўрганиб унга кўникунича анча вақт ўтади. Агар қиз узқорққа келин бўлиб тушса-чи? У ернинг паст-баландини ўрганиб шароитга кўникунича бошидан қанча қийинчиликлар ўтади... Агар яқинроққа келин бўлиб тушсангиз ота-онангиз ҳолдан тез-тез хабар олиб турасиз, улар эса сиздан. Агар узқорққа яшасангиз-чи? Уларни соғинганингизда, бир оғиз сўзига муштоқ бўлганингизда, қийналган пайтингизда ота-онангиз сиздан хабар ололмай қолганларида ёки ота-онангизнинг оғир кунларидас асқотмаганингизда атанг қилиб қолманг.

Агар сизнинг дугонангиз содиқ дугона бўлганида, севгилингиз ҳақиқий муҳаббат эгаси бўлганида, арзимаган гап сўзларга ишониб тезгина сиздан узқоқлашган бўлар эдилар. Улар сизнинг севгингизга арзимайдилар!

Ўткинчи ҳою-ҳавасларингиз учун табиатни номард, раҳмсиз деманг. Кўз ёшларингизни беркорга тўкманг. Тақдирингиздан нолиманг. Сиз сабр-тоқатли, қаноатли, иродали қиз бўлинг. Сизга бахт ва омад ҳаммиша ёр бўлсин! Сизнинг порлоқ келажак-ингиз ҳали олдинда!

Замирахон ҲАМИДОВА.

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОМЛАР



Хурматли Нодира Раҳимова!

Сени 1 август, 38 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Узоқ умр кўриб, доимо соғ бўлиш. Онанг ва жигарларинг



Хурматли Шоирахон!

Сизни муҳал тўйиңиз билан қутлаймиз. Оиламиз бахтига ҳамisha соғ бўлиш. Турмуш ўртоғингиз Рустамжон, ҳамда ўғилларингиз.



Аммажонимиз Нортожи!

Сизни таваллуд кўншингиз-ла қутлаймиз. Хурмат билан Ақромжон Сайдивалиевлар оиласи.



Онажонимиз Максуда Тўғонова!

Таваллуд ай-Эмингиз муборак! Елғиз ўзингиз бизга ҳам ота, ҳам онасиз. Бахтимизга доимо соғ бўлиш. Фарзандларингиз, кўёвларингиз, келинингиз.



Онажонимиз Махфуза!

Сизни 41 ёшингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин, адажонимиз билан оиламизга кўёш, тўйларимизга бош бўлиб юринлар. Фарзандларингиз



Хурматли Отажонимиз Абдумутал!

Сизни 60 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ-умр, соғлиқ тилаймиз. Онажонимиз билан кўша қариб дуо қилиб юришингизни Оллоҳдан сўраймиз.

Фарзандларингиз номидан, ўғлингиз Абдулазиз.

Азиз фарзандларимиз Муҳайё ва Баҳодиржон!

Сизларни туғилган кўншингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Оллоҳдан сизларга боқий умр, туганмас бахт сўраймиз.

Абдуғофир, ойинг Махфуза, оянг Матлуба, синглинг Нодира, уканг Аробиддин Муҳаммаджоновлар



Бугунги кунда Республикада қанчалар ошма аёллар хизмат қилишяпти. Муқимий номи Кўқон Давлат педагогика олийгоҳининг проректори Саноат Набиева ҳам ана шундайлардан бири.

Хурматли, туманлар аро "Ниҳол" телестудияси мухбири Ўқтамхон Акбарова!

40 ёшингиз муборак! Оиламиз бахтига соғ бўлиш. Умрингиз кўвонч билан ўтаверсин. Турмуш ўртоғингиз Қамбарали, фарзандларингиз Санжарбек, Хуснидаҳон, Ҳилолаҳон.

БОЗОР ВА ХАРИДОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты. Кўқон шаҳар ҳокими Ҳожикул Мавлоновнинг саъй-ҳаракати ва раҳбарлигида Кўқон марказий буюмлар очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида (раиси Собиржон Солиев) муҳим тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳар прокурор муовини Эркинжон Махмудов, шаҳар санэпидстанциясининг бош врачлари Муҳаммаджон Аҳмедов, шаҳар озиқ-овқат гигиенаси бўлими мудирини Махмуд Хайитов, Муқимий номи Кўқон Давлат педагогика олийгоҳининг ректори Иномжон Сулаймонов, шу олийгоҳнинг проректори Саноат Набиевалар иштирок этиб шу кўннинг муҳим масалалари ҳақида фикр алмашдилар.

Жумладан, бозор маҳсулотларининг янги турларини реклама қилиш, сифатини қатъий назорат қилиш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий ташкилотларнинг бозор раҳбарияти билан ҳамкорликларини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида талай вазифалар амалга оширилди. Қисқа давр ичида 94 та объектнинг иш фаолияти тўхтатилди. Бунинг сабаби шундай. Бозорда айрим ҳуқуқий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари "Қарор ва фар-

монлар" ихросини кучайтиришда лоқайдликка йўл қўяётганликлари сабабли, тарғибот-ташвиқот ишларининг сулстиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатсизлиги боис бозорда ўзбошимчалик ҳамда юзакичилик вужудга келди.

Баъзи ҳолларда мамлакатимиздан миллий сўмга сотиб олинган озиқ-овқат истеъмол молларининг эркин нархларга кўтарилишига айрим "тижоратчилар" сабабчи бўлмоқда. Бундан халқ жабр кўрмоқда. Содда харидорлар маҳсулотларининг сақланиш мuddатларига эътибор бермай, истеъмол қилишлари натижасида турли касалликларга ҳам дучор бўлишмоқда.

Бозорларга савдо-сотик билан бирга аввало маърифат олиб кириш керак. Бундай дейишдан мақсадимиз шундан иборатки, бозордаги сотувчи билан харидор ўртасида келишмовчилик келиб чиқмаслиги керак.

Қадимдан бозорлар, одамлар, халқлар, ҳатто турли мамлакатлар ўртасидаги маданиятининг тарғиб қилишда воситачи вазифасини бажарган. Аждодларимиз удумини давом эттирган ҳолда, бозорларда ўз манфаатимизни, ҳамда харидорлар талабини ҳам ўйлаб иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

М.СУЛАЙМОНОВ

Меҳрибонимиз Мадинаҳон Сулаймонова!

Туғилган кўншингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, бахт тилаб, дўстингиз Мухтор Бек, фарзандингиз Дилафруз.

"ДИЛОРОМ"

ўқув маркази таклиф этади: **2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухороча
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси,

4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

ЎЗИМ КАБИ ЎҚИГАН, ТУШУНГАН ОДАМ БЎЛСА...



Бошимдан ўтган қийинчиликларни ёзсам дoston бўлиб кетади. Ўзим олий маълумотлиман, мана 2 йилдики туманимиздаги Халқ банкида ҳисобчи бўлиб ишляялман. 1975 йил август ойида туғилганман. Ҳаётим ҳаммакиндек осойишта, лекин нимагадир ёшлигимдан Ташкентда яшашни орзу қиламан. Ўзим хали Ташкентда бўлмаганман. Энди ўз тақдирим ҳақида ёзай.

Аввалига Ташкент Медицина институтига киришни ҳавас қилдим, лекин аккаларим кўншиммади, сўнг ўзимизнинг Фарғонада янги факультет очилганини эшитиб, шу ерга ўқишга бордим. Омадми ёки Оллоҳга бўлган илтижойим қабул бўлди, тест синовида осонгина ўтиб 5 йил 30 йилгит ичида ўқини тамомладим. Ҳар бир йилгит-қизини бахтли-тахтли бўлиши биринчи навбатда ота-онасига боғлиқ экан. Олдинлари билмас эканман, энди оқ-қорани таниб, паст-баландни тушуниб етганимда кеч бўлганга ўхшайди. Ҳамма нарса Оллоҳга боғлиқ деймиз-у, лекин Оллоҳ

бергани билан бандасидан ҳаракат бўлмаса ҳеч нарса ни уйдалаб бўлмас экан. Отанинг феъли ниҳоятда тор. Ёшлигимдан бунга ҳаммамиз кўнжиб қолганмиз. Маҳалла-қўй, қўнқўшиллар, қариндош-уруғлар ҳам билишади. Отам ўз айтганини, оғзидан чиққан заҳоти қиладиганлардан. Тўғри мен отамни ёмон, разил дейишга ҳаққим йўқ, деймайман ҳам. Чунки мен шу кишининг зурри-ёдиман.

Мана, отамни онам билан турмуш қурганларига 40 йил бўлибдики, ҳамон отам онами келинлар бор, қизларим бор демай бўлар-бўлмасга қалтаклаб, уриб қуракда турмайдиган гаплар билан ҳақоратлайди. Биз аралашасак бизни ҳам қалтаклайди. Мен кенжа фарзанд бўлганим учунми ёки ака-опаларим оилали эканлиги учунми, онам иккаламизни отам жуда ёмон кўради. Мендан қатта акам ҳам 2 та болали бўлган, уни ҳам ҳеч уйга сиғдирмайди. Чунки ўз севган қизига уйланиб турмуш қурганга отам уни қарға сўкиб, болаларига ҳам яхши гапирмайди. 3 та акам бор, каттасининг ўз хусусий фирмаси бор. Иккинчи акам туман маданият уйида бошлиқ ёрдамчиси, учинчи акам эса ресторон бухгалтери, келинларимиз ҳам ишлайди. Опаларим ҳам ўз оилалари билан тинчиб кетишган. Аввалига мен ҳам ўқишим бор,

бировнинг уйида қандай ўқийман дедим. Ўқини битирган йилим дадамнинг хоҳиши билан чекка бир қишлоқлик йилгитга унаштиришди. Лекин у йилгит ни ўқиркан, на ишларкан, норозилигимга қарамай оқ беришди. Мен ҳам сапчиб-сапчиб, энди босилиб тақдир экан деб қўявердим. Чунки у дадамнинг узоқ қариндоши эди. Ота рози худо рози деб мени кўндиришди. Орадан тўй таравдуди учун 3 ой вақт ўтди. Тўйга 2 hafta қолганда, дадам куёвнинг ота-

отаси ёқмайди, бирини онаси, бирини ўзи ёқмайди. Унга бир нима дегани кўрқаман. Мен тенгилар 3 тадан болали бўлиб, тинч яшаяпти. Мени эса... билмадим энди бу ёғи нима бўлган экан деб турсам, яна дадамнинг бир қариндоши келди. Лекин бу сафар йилгит уйланиган-у, бўлажак келини олдиға кирмаган. Нега кирмаган десак, қиз ёмон экан, дейишади. Лекин қиз мени бир танишимни синфдоши экан, у ҳеч қанча бўлмади бир уйланимга йилгитга турмушга чиқиб 2 та болали бўлди. Лекин у йилгит икки йил ичида уйланибди. Уни кўрсам бўйи паст, қотмадан келган, кўрмисиз экан. Шаҳарда ўқиганим учунми мена сира ёқмайди, группадеш курсдош йилгитлардан қанчаси гап отиб, ҳатто иккитаси ишхонамга ҳам келиб уйдагиларни жўнатиштининг айтдилар. Лекин отам доим кулогимга куяди: "Агар орқанг бирор йилгит яхши кўраман, оламан", деб келса, сени маҳалла ичида сўйиб, қаллангни оламан". Нима севши, севилиш гуноҳми, буни инсон ўзи яратмайди Оллоҳ томонидан берилади-ку...

ОИЛА

си елкасида оқ доғи бор экан, билмаган эканман, энди билдим, тўй бўлмади деб туриб олди. Иложи йўқ-ҳамма билиб бўлган, тўйга таклифномалар тайёр эди. Ҳамма ҳайрон бўлди. "Дада ҳамма зшитди-ку, бошида нимага шуни сўрамадингиз? Одамлар энди йилгит томонини айб қилмайди", дейишимга кулоқ солмади. Агар ўшанга тегсанг, сени оқ қиламан, деб туриб олди. Биз берган нарсаларини улар қайтаришди, биз ҳам улар берган нарсаларни қайтардик. Лекин бутун районга улар "биз айнаб қолдик", деб гап тарқаттишди.

Мана бўлган ишларга роппароса бир йил ўтди. Буни орасида эшигимизга кўп одамлар келиб-кетдилар. Дадамга бирини

тоқ ўтмаган дейдилар. Мен-ку турмушга чиқмасам ҳам бемалол яшайман, лекин ҳар қуни бетўхтоҳ жанжалдан, кўча-кўйда сўроқ беришлардан жуда-жуда тўйдим. Шундай қилиб дадам ўша йилгитга тегасан бўлмас, онанг иккалангни уйдан қувиб чиқараман, деди. Мен сизларга ҳаётимнинг дарёдан томчисини ёздим холос. Фақат мен ҳам ўзимга ўхшаган олий маълумотли, тушунган одамга турмушга чиққим келади. Мени ёшимга мос йилгитлар аллақачон уйланиб бўлган, сўраб келганлар ҳам суриштиришиб дадасининг феъли оғир экан, деб қайтиб кетишпти.

Ўзингиз айтинг, нима қилай, мен ҳам дунёга бир марта келаман ахир. Мени сўровчилар ёши катта бўлса ҳам, мени тушуна бўлди, фақат дадамдан узоқроқ яшасам дейман. Учрашувга таклиф қилиб, аниқ бир жойни айтишса Ташкентга ҳам бориб туришим мумкин.

М.И., Фарғона вилояти Тахририятдан: М.И.га фикрдош бўлганлар унга ёзган мактубларини юборсанлар, биз ўз эгасига албатта жўнатамиз. М.И. билан телефон орқали гаплашмоқчи бўлганларга эса редакциядан сўраса телефон рақамларини ҳам маълум қиламиз.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚАМИ?

Ўнта бўлса ўрни бошқа киркга бўлса қилиги, дея болаларининг ҳар бир қилиги, гап-сўзидан завқ олади ота-оналар. Она ҳомиладор бўлганини сезган кунидан бошлаб тугилажак фарзанди учун яширинча кийимчалар йиғади, умид-ла унинг йўлига кўз тутади. Агарда ўша она касалманд бўлса? “Эсон-омон кутулиб олай, у ёғи бир гап бўлар”, - деб ўзини овутди бамайилхотир. Касалмандлигини эслатиб, туғиш оғир кечиши, оқибати кўнгилсиз бўлиши мумкинлигини айтсангиз “орқамда қолсин” деб ҳали ўзи кўрмаган фарзандларининг “тепкилаб” кўмишини орзу қилади. Унга мишг чандон ваъзхонлик қилманг гапларингиз ҳавога учадди. Хўш, нима қилиш керак бўлмаса? Ҳар бир масалага ҳалқнинг руҳияти, эътиқоди, психологияси, қаршидан келиб чиқиб ёндошмоқ зарур, назаримда. Жумладан оилани режалаштириш ва репродуктив саломатлик борасида ҳам оила аъзолари психологияси ўрганиш ва уни ҳисобга олмақ муҳим аҳамият касб этади. Хўш, қандай? Муқаддас Куръони карим оятларидан бирида болалар орасидаги фарқ 3 ёш бўлсин, деган давбат бор. Шундан келиб чиқиб ҳалқимизда

қуритган ранги заъфарон аёлларнинг ўз соғлигини тиклашга вақт топмай, бири-биридан кичик болаларни оёққа тургазолмай ҳалак бўлган жонларига бирор киши, “баракалла” деганмиди? Номақбул сиёсатгина уларни ҳар тарафда ташвишга қўйган эди. Ўз-ўзидан шундай савол туғилди. Нега “Қаҳрамон она” уновони Ўрта Осиё республикаларидан ўзга ҳудудларда жуда кам аёлларга берилган? Нима улар кўп туғиш учун қувватсизмиди ёки иқтисодий аҳволи бошқаларникидан ортиқмиди? Аксинча урра-урралар ортидан қувиш кўнгилсизликларга олиб келиши ва режалаштириш бегогли турмуш эканлигини англаб етишган. Аёл организми учун ҳафли ва зарарли бўлган аборт ҳам ўша даврнинг ҳунук меросидир. Тангрининг каломини юракка жо айлаган момоларимиз исталмаган ҳомила муаммосига рўбарў бўлиб қайси кўчага бош уришни билмай юрган ҳолатлари бўлмаган. Шунинг учун ҳам фарзандлари алп қоматли, кенг келбатли, ой сувратли бўлишган. Демак, она сунтининг моҳиятини англаган момоларимиз биринчидан-исталмаган ҳомиладан

ФИКР

ўғил боланинг онада 27 ойгача, қиз боланинг 24 ойгача эмишга ҳаққи бор, деган ақидага амал қилинган. Момоларимизнинг ақли теранлиги, зукколигига тан бермай иложингиз йўқ. Бу ҳудди ўша Куръони каримдаги “Ота-онанинг фарзандлари ҳар 3 йилда юз кўришсин”лар, деган давбатнинг ҳалқона таҳлили. Биринчидан бола бу муддат ичида она сутига қониб, жисмонан баркамол ривожланишига замин яралса, иккинчидан она меҳрига ҳам қонади.

Фарзандининг тетапоё қадамлари мустаҳкам бўлиши учун бутун эътибори унга қаратилади. Бу даврда она соғлигини тиклаб, организмни учун зарур бўлган кучни тўплайди. Фарзандларнинг 3 ёшда юз кўришлари ва онада 2,5 ёшгача эмишга ҳақлари борлиги замирида бир яширин ҳақиқат мавжудки, бу фақат соғлиқка-ҳам онанинг, ҳам боланинг физиологик жиҳатдан ривожланиши, жисмонан камол топишини таъминлабгина қолмай эмишқили даврда исталмаган ҳомиладан сақланиш имконияти демакдир. Бу ибтидоий лекин энг мақбул, энг қулай, энг самарали усул қабулват, баркамол фарзандлар етказиб бериш ва аёл зотининг жисми жонидан соғлиқ, гўзаллик барқ уриб туришини таъминлаган. Она сутига қонмай нимжон, касалманд бўлиб ўсган фарзанд қаёқда, борлигини куч ёғилган, камолотга эришган фарзанд қаёқда.

Тўғри, унча узок бўлмаган давр сиёсати эса аянчли натижалардан сабоқ беради. Кўп болали оилалар моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб турли тақдирномаларга тақдим этилган. Бу эса кўр-кўрона эргашиш, онанинг соғлиги пурдан кетса-да, бола нимжон, касалманд, ногирон туғилсада сон ортидан қувишдек иллатнинг бир муддат ҳуми суришга олиб келди. 30 ёшга кирмай “Қаҳрамон она” бўлган, лекин устма-уст ҳомиладорлик тинка мадорини

саодатни, қувватни, кудратни бахш этганлар. Такрор бўлсада айтмоқ жоиз, она сунтининг ўрнини ҳеч нарса босолмаганидек она меҳрининг ўрнини ҳам ҳеч нарса босолмайди. Бола она сутига қониши эвазига жисмоний баркамолликка эришса асосий эътибори эмишқили боласида бўлгани учун унинг меҳр-муҳаббати, маънавий камолотига дастлабки пиллапоё бўлади. Жисмонан соғлом, маънан етук бола бу фақат онанинг эмас ҳалқнинг, юртининг умиди, ишончи. Демак, оилани режалаштиришга давлат аҳамиятига молик масала, деб қаралаётгани ҳам бежиз эмас. Юксак гоёлар устун бўлган жамиятда бу масаланинг илгари сурилиши замирида юксак манфаатларни ҳимоя қилиш, унинг ёрқин келажagini таъминлаш мақсади мужассамдир. Шунга ҳам унутмаслик керакки, шариятда ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда масъулиятли. Аиникса болалар тарбиясига эътиборли бўлиш, уларни имонли, динъатли қилиб ўстириш муҳим шартлардан биридир. Лекин ҳамма вақт ҳар бир оила бошлиқлари ҳам бунга қатъий амал қилмаётирлар. Бебош, фойда ўрнига жамиятга зарар келтирадиган болаларнинг кўпайиб бораётгани тарбиянинг бўшашиб кетганлигидан далолат. Демак, ота-она олдин фарзанд олдидаги бурчи ва масъулиятини тўла англаб етиши зарур. Боланинг қандай тарбия топиши падали ва волидасининг унга эътибори, меҳри, ғамхўрлиги қай даражада бўлганлигига боғлиқ. Болалар сонини кўпайтириб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймоқдан мақсад не? Фарзандларимиз ҳам ақлан, ҳам жисман баркамол вояга етсагина оила ва миллатнинг фахри бўла олади. Фарзандли бўлишдан олдин ота ва она шуларни инобатга олмағи, бурч ва масъулиятга амал қилмоғи жоиздир.

Дилбар КЕНЖАЕВА,
Қарши.



1999 ЙИЛ - АЁЛЛАР ЙИЛИ

Сирдарё туманида Аёллар йилида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба АШИР-

МАТОВА бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Аёллар бор экан жамиятимизда инсоф-иймон, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат, хотиржамлик, самимият, поклик барқарор. Бундай хонадонларда муҳаббатнинг умри узун, садоқатнинг қўли устун, фарзандларининг бахти бутундир. Аёллар бор экан меҳр дарахти ҳазон бўлиб қовжирамайди, ишонч тоғи қуламайди, бу остонага армон йўламайди.

Туманимизда хотин-қизлар катта куч. Туман хотин-қизлар кўмитаси аёллар ўртасида олиб борилаётган барча тадбирларда бошқош. Жойларда бизнинг жонқуяр, ташкилотчи, моҳир, меҳнатқаш вакилларимиз, раисларимиз борки, улар билан фахрланамиз. Маҳалла ва ҳўжалиқлардаги хотин-қизлар Кенгашларига обрў-эътиборли опа-сингилларимиз етакчилик қилишмоқда. Сирдарё шаҳридан Мавлуذا Хусанова, Бахт шаҳридан Бибибора Нарзуллаева, “Шоликор” ширкатлар уюшмасидан Хайри Сармонова, “Сирдарё” ҳўжалиғидан Хайри Фозилова, С.Раҳимов номли ширкатлар уюшмасидан Дилором Жалилова, Сирдарё шаҳар “Дўстлик” маҳалласидан Саломат Алибоева, Пахтазор қишлоқ фуқаролар йиғинидан Малика Муллажонова каби ўнлаб хотин-қизлар Кенгашлари раислари борки, улар бизга ҳар бир ишда қанот, кўмақдош, елкадош бўлишаётир.

“Ганжина” хусусий фирмаси бошлиғи Маҳбуба Қурбонваннинг тадбиркорлик фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Маҳбубахон яқинда туман “Ташаббус-98” танловига қилиб топилди ва вилоят танловига фахрли 2-ўринни эгаллади. Тўй либослари вилоят кўрик-танловига эса фахрли 1-ўринни қўлга киритиб, эндиликда республика мусобақасига ҳозирлик кўраётти. М.Қурбонова ҳозирда 15 нафар қизга миллий зардўзлик сирларини кўнт билан ўргатмоқда.



Кўмитамиз қошида бир неча йилдирки “Қизлар клуби” аниқ режа асосида иш олиб бораёпти. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва туман фуқаролик ҳўлати далолатномаларини ёзиш бўлими қошида “Муроса кенгашлари” ташкил этилди. Улар маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида турли тушунтириш ишларини ўтказишмоқда, қизқарли тадбирлар уюштиришмоқда.

Аёллар йили муносабати билан туман хотин-қизлар кўмитаси махсус дастур ишлаб чиқди. Белгиланган дастур асосида йил охиригача туманимизда кенг қамровли ишлар, хайрли тадбирлар, қизқарли кечалар бўлиб ўтмоқда. Турар жойларда, маҳаллаларда “Аёл-тарбиячистоз”, “Ўзбек хонадониди қиз бола тарбияси”, “Қизларни ҳаётга тайёрлашда онанинг роли” каби мавзуларда амалий семинарлар, суҳбат-

лар ва қизқарли учрашувлар ташкил этилмоқда.

Маҳалла ва гузарларда ободонлаштириш, атроф-муҳитнинг тозаллигини таъминлаш бўйича хашарлар уюштирилди. Президентимиз Фармони асосида тўй-ҳашам, маърака ва маросимларда тежамкорлик, исрофгарчилик, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида хотин-қизлар орасида тушунтириш ишларини олиб бораёғимиз. Кўп болали, кам таъминланган оилалар, буюқувчинини йўқотган ёлғиз аёллар доимий эътиборимизда бўлмоқда. Шу йил 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган муҳдиш воқеалар бизни ҳам хушёрликка давбат этади. Маҳаллаларда бу борада тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтираёғимиз.

Туманимизда Аёллар йилига аталган қизқарли тадбирларни ўтказишда ҳомий ташкилотларимиз ёрдамига таянамиз. Туман магистрал йўллар бошқармаси, 2-қурилиш-монтаж бошқармаси, Сирдарё автобус-таксомотор парки, Бахт пахта тозалаш заводи, Темир-бетон жиҳозлари корхонаси каби ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти ибратлидир.

Суҳбатдош: Абдураззоқ БУРАЛИЕВ

ОИЛАМИЗ КЎРКИ

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ...

Ҳурматли таҳририят!

Ишларингизга барака тилаб, мақсадга ўтсак, яхшироқ бўлар.

Биз зоминликмиз. Биз қатори барча қишлоқдошларимиз “Оила ва жамият” рўзномасини севиб ўқишда. Оиламиз билан газетани қўлма-қўл ўқиб чиқамиз. Оила ташвиш ва қувончлари, муаммо ва ютуқлари кенг тарғиб қилинаётганига ҳаётга бўлган қизиқишимизни янада орттиради.

Газетада берилётган ҳар бир мавзу бизни бефарқ қолдирмайди. Жамоа ходимлари тайёрлаётган ҳар бир мақола, суҳбат, дил истаклари, дил нолалари ҳар бир оилда таҳлил қилинишига шубҳа йўқ. Шу ўриндабаъзи бир истак тақлифларимизни ҳам билдирасак...

Газетамизнинг ўқимишлилик даражасини янада ошириш учун кўпдан мени ўйлатиб келган фикрларимни баён қилмоқчиман. Улар қуйидагилар:

1. Газетада қишлоқда яшаётган аёллар учун яратилган шароитлар тўғрисида мақолалар еритилса...

2. Биргина Зомин туманида 30 дан зиёд қишлоқлар мавжуд. Уларда аҳоли учун қатор шароитлар яратилмаган, жумладан қишлоқлар газлаштирилмаган, медицина хизмати қониқарсиз, боғчалар йўқлигини барча билади. “Оила ва жамият” да бу муаммо кўтарилса яхши бўларди.

3. “Оила ва жамият” да ёш шоирлар ижоди, таниқли санъаткор аёлларимиз, тадбиркор опа-сингиллар, ибратли оилалар ҳақида мақолалар бериб борилса.

4. Истардимки, газета саҳифаларида “келин-куёв” маслаҳатхонаси рубрикаси очилса.

5. “Оила ва жамият” рўзномасига ўз мақолаларимиз билан қатнашиб турсак, дегандки. Истардимки газета зотини кўради деган умиддамиз.

Илҳом Юнусов, Сайёра Юнусова,
Жиззах вилояти, Зомин тумани,
Ширин қишлоқ фуқаролар йиғини
Қора курсоқ қишлоғи.

СИЗГА ЖАВОБ ЙЎЛЛАДИК...

Ассалому алайкум, кадрли Илҳом Юнусов ва Сайёра Юнусова!

Бизга апрел ойида ёзган хатингизни июлнинг 10-чисидан кейин олдик. Чунки адресимизни аниқ ёзмабизилар. Уни Матбуотчилар кўчасидаги газета корпусига жўнатган экансиз. Бизнинг манзилимиз ҳақидаги маълумот эса газетанинг сўнги бетиди берилган. Яъни, “Тошкент - 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. “Оила ва жамият” газетаси редакциясига” деб ёзилса албатта бизга ўз вақтида етиб келган бўларди.

Бизга билдирилган фикрларингиз, тақлифларингиз, жонқуярлигиниз, меҳру-садоқатингиз учун чин қалбдан ташаккур. Фикрларингиз газетамиз учун гоғтада қимматли ва керакли. Лекин биласизми, шу муносабат билан биз сизларни ва барча газетхонларимизни ижодий ҳам-қорликка чақирамиз.

Қишлоқдаги ҳаёт тарзингиз қай аҳволдалиги, бугунги кундаги ўй-фикрларингиз, Аёллар йилида аёллар ҳаётини энгиллатиш чора-тадбирлари қандай бўлмоғи кераклиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ муҳофазаси соҳасида меҳнатқашларга қандай хизмат кўрсатилаётгани, янгиликлар, ибратли воқеалар, кўрган тушингизнинг таъбири қандай бўлганлиги ва ҳоказо ва ҳоказо-хуллас, бугунги ҳаётга даҳлдор масала-муаммолар ҳақидаги мақолаларингизни қутиб, Сизларга соғлиқ, хотиржамлик, ижодий баркамоллик ёр бўлишини тилаб қоламиз.

“Оила ва жамият” таҳририяти

КЕЛИНИНГ НАСАБИ...

Ойнаи жаҳоннинг "Хонадон" кўрсатувида кўпдан буён мени ўйлантириб юрган бир муаммо ҳақида гапирдим. Яъни, турмушга чиқаётган қиз эрининг фамилиясига ўттиши маънавий жиҳатдан ҳам, мантқан ҳам унчалик тўғри эмас...

Кўрсатувдан сўнг одамлар ўз муносабатларини билдирдилар. Бир куни қайсидир газетда галати мақола ёритилди. Қибрай туманидан Қ.Холов деган ўқитувчи "Фикримиз бўлачқа экан" сарлавҳали мақолида шундай ёзган:

"...Менинг тўрт келиним бор. Энг кичик келиним ЗАГСдан ҳали ўтмаган. Шу масалани келинимдан сўрадим:

- Сиз ўз фамилиянгизда қоласизми ёки бизнинг фамилиямизга ўтасизми? Келиним:

- Сизларнинг фамилиянгизга ўтман, - деди қатъий. - Чунки менинг ота-онам сизларга фарзандликка беришган. Шу сабабли мен ҳам сизнинг оилангиз аъзосиман...

Бу гапни эшитиб келинимга бўлган оталик меҳрим жўшиб кетди.

... Тўлқин Эшбекин ҳар ким ўз фамилиясидан қолгани маъкул, деган фикрига мутлақо қўшили олмайман."

Фикримга қўшилиш-қўшилмаслик ҳар кимнинг шахсий иши. Бағри кенг қайнота-қайноналар келинларини ҳам, кўвларини ҳам суюб-эркалаб "қизим-сиз", "ўғлим-сиз" дейишлари, ўз навбатида келин-куёвлар ҳам қайнота-қайноналарига "ота", "она" дегу муражаат қилишлари беҳиз эмас. Бу муросаи-муомалалар шарқона одобимиз билан уйғунлашиб кетган, ҳоло. Бўлмаса, лисонимиздаги қайнота, қайнона, кўвекелин деган сўзларга ҳам мутлақо ўрин қолмасди. Аммо, келин ё кўвёни ҳақиқий қизим ё ўғлим деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, унда ўша қизни яна турмушга узатишга, ўғилни уйлантиришга тўғри келиб қолади...

Хотин эрининг фамилиясига ўтиш

"одати" қачон пайдо бўлган ўзи? Биз аждодларимиздан иборат олсак, уларнинг аъналарини давом эттирсак бўлмайди? "Фамилия" - насаб деган сўзнинг маъносини биласизми? Уша фамилия - насаб ортда қанчалик табаррук инсонлар номи туриши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати" китобида фамилия сўзига жуда тўғри таъриф берилган:

"Фамилия (лотинча сўз) - шахс отларига қўшилиб келиб, шу шахснинг наслини билдирувчи оилавий ном, бобо номи".

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонунида ҳар бир шахс "ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аъналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар" деб ёзиб қўйилган. Демак, насабимизни ўзбекона миллий-тарихий аъналарга хос равишда ёзиш масаласи ҳам мавриди келганда оқилона ўйлаб кўрилар. Ҳозирча, узоқ йиллар мобайнида шаклланиб қолган "ов", "ова", "ев", "ева" қўшимчаларини насаб номига қўйиш орқали "заонавий фамилия" тушунчаси билан ўшаёқ. Барбир, мазмун-моҳияти ўша-ўша: Масалан, Пўлатов - Пўлат буванинг набираси, Пўлатова - Пўлат буванинг қизи набираси, деган тушунчани англатади. Демак, Пўлатов ва Пўлатова - қон-қариндош инсонлардир. Энди, опа-синглингиз табиий равишда сиз билан фамилиядош бўлиб турган бир пайтда ёнингиздаги хотиннинг Пўлатова бўлиб туриши ҳеч бир мантиққа тўғри келадими?... Қаранг, эр-хотиннинг битта фамилияда бўлиши қанчалик галати ҳодиса...

Хотин эрининг фамилиясига ўтган, навбатдаги муаммолар ҳам пайдо бўлаверади. Аввало, қизлик фамилиясиз ёзилган жамъий ҳужжатлари "брак"-бебрак бўлиб қолади. Паспорт, Меҳнат дафтари, Уй дафтари, дипломи, бирор

партия ё уюшмага аъзолик билети ва ҳожазо ҳужжатларини ҳам қайтадан янгилашга тўғри келади. Уша эр-хотин қўша қарисалар хўп-хўп, худо кўрсатмасин, ажралишга тўғри келиб қолса ёхуд эри бевақт қазо қилиб кетса-чи? Иннайки, яна қайтадан турмуш қуришга мажбур бўлаётган аёлнинг ташвишлари қанчалик ошиб-тошиб кетишини тасаввур қилиб кўринг-чи! "Бошқага турмушга чиққанымга икки йилдан ошайпти-ю, биринчи эримнинг фамилиясидан "кутолмаяпман", туманимиз суди ишни ачиқ ичакдек қўзаяпти-да..." қабилда нолаю фиғон қилиб юрган заифалар қамми? Табиийки, аввалги эрининг фамилиясидан хотин билан яшаш ҳар қандай эркакнинг кўнглини чоғ қилавермас керак...

Масаланинг тагин бир нозик томони бор. Бир нечта фамилия билан нафақа ёшига етиб келган онахонларнинг дардларига қулоқ тутсангиз, шоир Абдулла Орипов ибораси билан айтганда-фиғонидан чиқар дуд! Негаки, ҳужжатида салгина "чалкашлик" бўлган шахсларга нафақа берилмайди... Нафақа олишни истайсизми, марҳамат, ҳужжатларингизни рисоладагидек тўғрилаттириб келинг, деган жавоб эшитасиз ижтимоий таъминот бўлимида. Таббарук ёшга етганларида идора-идора сарсон-саргардон югуриб юришган онахонларни кўрганда кимнинг кўнгли гаш бўлмайди, дейсиз?..

Фарзандларига муносиб исм қўйиш ота-онанинг энг муҳим вазифаларидандир. Ҳатто, вояга еттунига қадар ўша ўғил ё қизининг исмини ўзгартириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Аммо, бундай ҳуқуқ ҳеч қачон фарзандга, набирарага берилмайди. Яъниким, ҳеч бир инсон ўз ота-онасининг, буваларининг исм-шарифларини ўзгартириши мумкин эмас. Дейлик, ҳозирги замонда мен-Эшбеков Тўлқин Усмонов ўли айнан ўзимман. Исм-шарифим, фамилиям ўзгариб қолиши асло мумкин

эмас. (Ижодда адабий таҳаллус танлашим бошқа гап!) Келгусида менинг қайсики зурриёдим-фарзандим ё набирам насабу фамилиясини ўзгартирса, бошқа фамилияга ўтадиган бўлса, демак, у менинг авлодим эмас! Номимдан юз ўтирган зурриёдим аслида мендек аждодидан ҳам кечиб юборган бўлади...

Насаб-нақадар эзгу тушунча. Сизу бизни шундай бахтли кунларга мушарраф этган аждодларимиз - асл насабларимиздир. Уларнинг муқаддас номига яраша ҳамisha ҳурмат бажо келтириб яшамоғимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Насаб каби-ниқоҳ ҳам жуда муқаддас тушунча. У жуда қадимий қадриятларимиздан ҳисобланади. Қадим-қадим замонлардан бери бобо-момоларимиз учун ниқоҳ - оила асоси бўлган.

Кўвёлик, келинлик либосини кийиш ҳар бир йигит ва қиз учун шараф! Шўкроналар бўлсинки, тинч ва осойишта юртимиз ҳамisha бахт тароналаридан - карнай-сурнай садоларидан янада фойдали, тароватли! Мамлакатимиз буйича ҳар йили икки юз мингдан ортиқ янги оилалар барпо этилаётганини таҳлил этсак, демак, ҳар куни юзлаб хонадонларда тўй-тўйларга уланаётганини тасаввур этишининг ўзи мароқли. Улкан дарё мудоом ўзани топиб оққани қабри беҳиёс тарихига эга улуг халқимиз ҳам ўз йўлида унча-мунча муаммоларни оқилона ҳал этиб кетаверишига аминман. Бу эса-бугунги кунда сиз-у бизга ҳам боғлиқдир. Бахт остонасига қадам қўяётган ўғил-қизларимиз илк қадамлариданқоқ қандайдир муаммоларга дуч келаётган бўлсалар, кечаги ўтмишдан қолган айрим хатоликлар "қўндаланг" бўлаётганини ҳис қилсаке-бефарқ қараб турмаслигимиз лозим. Ана шундангина мустакил юртимизда чинакам миллий истиқлол мафқураси, миллий қадриятларимиз тантана қилган бўлади, деб ҳисоблайман.

Тўлқин ЭШБЕК

БОТҚОҚАНКА БОТГАН АТИРГУЛ

Кечмишимни ёзар эканман, мен ҳаётимда йўл қўйган хатоларимни баъзи хаёлараст қизлар такрорламаслигини, истаيمان. Тўғри, ҳеч бир инсонни ҳаёти бошқа бировникинга ўхшамайди. Аммо, хатолар такрорланади...

Зиёли оилада туғилдим. Ота-онам, айниқса онам покдомон ва ақли аёл. Отам ҳам хотинбоз эмаслар. Аммо мен... Кўпчилик қизлар қатори ўқишга кирдим. Ўша ерда бир йигит билан танишиб қолдим. Тошкентдаги ўқишим даврида эркин ҳаёт мени охирида ёмон ишларга бошлади. Мени бўйимда бўлиб қолди. Қанчалар азоб, уқубат ва шармандалиқлар эвазига болани тушуртиришга муваффақ бўлдим. Бу пайтга келиб обрўли бир ташкилотда ишлаб бошлаган эдим. Сиримни бир эркак сезиб қолганди, унга уйнаш бўлишдан ҳам тортинмадим. Аммо бу пайтларга келиб мен яширин муҳаббат ҳеч кимга бахт келтирмаслигини, одам ўз обрўсини ўйлаши лозимлигини, кўнгил қўйишга берилган бирор аёл ҳақиқий бахтга етишолмаслигини тушунар эдим. Ҳа, тушунардим. Қилиб юрган ишларим расво эканлигини, ҳали бирор аёл уйнаш бўлиб юриб обрў топмаганлигини, юрган йўлларим хатарли эканлигини жуда яхши билардим. Аммо мен фақат - таним эҳтиёжини ўйлардим. Доимо меҳрга, бахтга ташна юрар эдим. Саба-

би мен жуда хунук эдим. Шу сабабдан хатто онам мени яхши кўрмасликларини сезар, бирор кичи сал яхши гапирса лаққа учдиганлар тоифасидан эдим. Ҳаётим ўта расво кечарди. Мен бу йиллар орасида бир неча эркак билан "юрдим". Уйнашларим эркалаларимни ёқтиришар, аммо ўзимдан хазар қилардилар. Шунчалик даражада бўлишимга қарамай идорадагилик нимагадир менинг қилиқларимга панжа орасидан қарашарди. Бунга сабаб одамлар орасида ўзимни шармаҳаёлик аёллардек туттишим бўлса керак. Ишонасизми, 3 марта аборт қилдирган бўла туриб, қишлоқлик содда бир йигитга турмушга чиқишга муяссар бўлдим. Онам шўрлик мендай қизини "бир амаллаб" эгасига топшириб, тўй кўрганига севинсада, ишонаманки уятидан ўлимларига рози бўлгандир. Сабаби мен ҳаёли, ифбатли қизлардек узатилдим! Чимилдиққа тушган кечам онам уятидан ухлалмай чиққанларини тасаввур қиламан. Аммо ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандек кечди.

Дугоналарим болаларини етаклаб юришганларини кўриб юрагинни ҳавас, ҳасад эзаётганини сеза бошладим. Фарзандли бўлишни истаиб бошладим. Худонинг ишларини қарангки, 2 нафар фарзандли ҳам бўлдим. Энди мен эрли, рўзгорли, хотин, уй бекаси бўлдим. Аммо ўтмиш мени ўз ҳолимга қўймасди. "Уртанган

кўнгил" деганларидек, ишхонамдаги ўйнашим билан кечирган "лаззатли" ҳаётни қумсайтирган, у билан алоқани давом эттирадиган бўлдим. Эрим, шўрлик ҳеч нимани сезмай яшайверди. Аммо ҳаёт фақат айшу-ишратдан иборат эмас. Энди мени турмуш ташвишлари, касалликлар ҳам ўйлатадиган бўлди. Қанчадан-қанча оғир кунларимда, касалхонада ётганимда кўнимга фақат эрим яради. Шунда тушундимки, инсон фақат ўз танасини ўйласа, табиий инстинктга бўйсунса, у барбир бахт нималигини билмас, пешонасига ёзилган вихдон азоби, қайғу ва ғам бўлар экан. Ҳаётимдан нечоғли пушаймон қилмай, нечоғли ғам чекмайин энди фойдаси йўқ! Бахт бу кўнгил тинчлиги, ёруғ юзликда эканлигини тушундим, аммо жуда кеч тушундим.

Тўғри манда ҳозир ҳамма нараса, фарзанд, меҳрибон эр, ҳаттоки ўзим ташна бўлган хурмат-эътибор ҳам бор. Аммо кўнгил тинчлиги йўқ. Юрагимни доимо нимадир қиймайлади. Тўнлари энг биринчи аборт қилдирган гўдагим тушларимга кириб мени азоблайди. Биламан, мени ҳамма кечирди. Ҳозир ўйларига борсам онам мени ҳеч нараса бўлмагандек кутиб оладилар. Аммо биламанки, вихдоним мени кечирмайди, ҳеч қачон кечирмайди... Ана шундан ҳаловатим йўқ, қийноқдаман.

Нилуфар, Қарши.

КўНГЛИМНИ БУЗИШДИ

Мен оиламдан нолимайман. Худога шўкр 2 ўғил, 1 қизим бор. Турмуш ўртоғим ҳам ёмон эмас. Мақтабда бир синфда ўқиганмиш. Исмлири Азамат. Азамат биринчи турмушлари билан ажрашганлар. Менга совчи юборганларида дугоналарим ва бошқалардан "нима сен кўчада қолдингми? Қиз бола бўла туриб уйланган йигитга тегасанми?" - деган таъна-дашномларни эшитдим. Ҳатто ўз дугоналарим оркамдан нотўғри гапларни таркатганлар. Ота-онам, акам уларнинг оиласини обдон текшириб, сўнгра турмушга чиқишимга рози бўлдилар. 1985 йилда тўйимиз бўлиб ўтди. Мен Маданият олийгоҳининг кутубхоначилик факультетида сирддан ўқишга кирган эдим. Қайнонам-қайнотам қизимга қараб, менинг ўқишимни давом эттиришимга яқиндир ёрдам кўрсатдилар. Улардан бир умр розиман. Аммо вақт ўтган сайин турли хил гапларни эшитиб, хафа бўлиб кетаркансан.

Бир куни Тошкентга иш юзасидан бориб қолдим. Купеда 3 қиз ўзаро гурунлашиб бора эдилар. Улар турмушга чиқиш, йигитлар ҳақида узоқ баҳслашиб

қолишди. Н. исмли қизга хотини билан ажрашган йигитдан совчи келаётган экан. Дугоналарим масҳара қилиб А. исмлиси- "Мен ўлсам ҳам тегмасдим, нима сен жиннимасан одамлар қўшнилар нима дейди, қиз бола ҳам уйланганга тегадими? Нима, сен ўзингга ишонмайсанми? Бир умр таъна эшитиб, онагни уйларига қайтиб келсан. Яхши йигит бўлса биринчи хотинидан ажрашмайди. Мен ҳаёлимга ҳам келтирмайман. Уйланган йигитларга аҳмоқ қизларгина тегади. Болалик бўлсанг, фарзандларингга ҳам таъсири ёмон. "Онаси яхши бўлса, агар иккинчи хотин бўлиб тегадими?", - деган сўзлар бир умр тамга бўлган сенга", - деб "насиҳат" беришди. Бу гаплар менга худди ўқдек тегди. Бир неча кун кайфиятим тушиб, эримни ёмон кўриб, текканимга пушаймон бўлиб юрдим. Наҳотки кейинчалик фарзандларим менга таъна қилади? Ёки бу болаларимга қандай тушунтиришимга боғлиқми? Умуман, тушунтира олармиканман?

Марзия ФАТТОВА,
Бухоро вилояти

Биз оилада етти киз ва бир ўғил эдик. Ёшимиздаги фарқ бир йил бўлгани учунми, онам бечора ҳар йили биттадан киз узатарди.

Ушанда мен эндигина ўн еттига кирган навқирон киз эдим. Кўча-кўйда бирга юрганимизда кўрган таниш-билишлар "бу кизингиз бошқача, жуда чиройли экан", дейишганда, онам ҳар сафар: "Илоё, бахти ҳам чиройли бўлсин", дейишни қанда қилмасди. Онамининг бу орзуси мени оппоқ орзулар оғушига етаклаб кетар, ҳаёлимда бир кўришда юрагимни "жиз" эттирадиган кўркам, барваста шахзодадан яратардим. Уззукун йўлимини пойлаб кунни кеч қиладиган йигитларга эса бир нигоҳ ташлашни ҳам раво кўрмасдим.

Ана шундай орзулар оғушида юрган давримда биздан бир қишлоқ нарида яшайдиган Аҳроржон деган йигитдан совчилар кела бошлади. Негадир келган совчилар менга ёқмади. (Аслида инсоннинг кўнгли ҳеч қачон алдамас, экан) Тегмайман, дейишимга қарамасдан онам: "Қайси ота-она фарзандига ёмонлик раво кўради, бахтсиз бўлишини хоҳлайди. Кувёббола ўқимишли, Тошкент-да институтни битирган экан. Сени ҳам ўзи танлабди. Шунча совчиларни қайтарингиз етар, сенга қарасак ўтираверамиз, шекилли. Буюқда синглининг бўйи етиб турибди. Бизни десанг, шу йигитга тегасан. Биз ваъдани бериб қўйдик. "Эртага нон ушатилади", - дедилар.


Уша кечда тонг отгунча йиғлаб чиқдим. Шу совчиларни қайтарса қизини бошқа ҳеч ким сўрамай қўядигандек, ота-онам эртасига кўнглимни сўраб ҳам ўтирмай, мен бирон марта ҳам кўрмаган йигитга фотиҳа қилиб юборишди...

Уша нон синдирилган кундан бошлаб кўнглимда аллақандай ғашлик пайдо бўла бошлади. Бир куни ишдан қайтаётган эдим. Уша йигит олдимдан чиқиб йўлимини тўсди. Салом-алиқдан кейин ўзини таништирди. У мени анчадан бери танишини айтди. Сўхбат давомида негадир бўлажак эримга нисбатан юрагимда илқиклик уйғонмади. Унда киз болага нисбатан ҳурмат, илтифот сезмадим. Аксинча, хулқида қандайдир кўрслик, манманлик хислатларини сездим. У ўзини шундай тутардики, назаримда унинг ҳаётидаги ураган биринчи киз эмасдим...

Уйга келиб тўпалон қилдим. "Йигитни кўрдим. Менга ёқмади, унга тегмайман, фотиҳани қайтаринглар", - дея дод солиб йиғлаб бошладим. Шунда дадам ғазаб билан тикилиб деди: - "Мушздай бошинг билан эр танлашни сенга ким қўйибди. Нима, онаннинг бошига бувингни кунини солмоқчисиан? Эл-юртга шарманда қилмоқчимсан? Шунга айтишарканда "қиз болани бўйи етган, эр яширсин, ёки ер яширсин", - деб.

Дадамнинг Замира холам қисмати уни юзига солгани юрагимга оғир ботди. Замира холам онамининг кичик синглиси бўлиб, 18 ёшида гузалликда тенги йўқ бир киз бўлган экан. Холам қишлоқда камбағал, кекса бир кампирнинг Туробжон исмли ёлғиз ўғлига кўнгли қўйган экан. Йигит ҳам холамини ниҳоятда қаттиқ севган ва иккаласи ахду-паймон қилишган экан. Бувимнинг уйига турнақатор ўзига тўх надонлардан келган совчилар орасида ўша йигит юборган ғарибгина совчилар ҳам бор экан. Аммо бобом қизини камбағал кампирнинг ёлғиз ўғлига эмас, қишлоқнинг олди бойларидан бирининг ўғли-қас-... соб йигитга узатиб-

ЧИРОЙЛИ БАХТНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИМ...



ди...

Лекин холам эрига кўнгли қўя олмабди. Шўрликни ошиғининг ҳижрони адои тамом қилибди. Бувимнига бир келганда холам йиғлайвериб касал бўлиб қолибди. Икки кун ёстиқдан бошини олмабди. Холам бечора нукул "Энди мен ўламан, Туробжонни бир кўрмасам, бу дунёдан армон билан ўтиб кетаман", - деб ҳаммани кўрқитар экан. Учинчи кун холам секин ўрнидан туриб, уйдан чиқиб кетибди. Йўлда тоғ этагида айрилиқдан адои тамом бўлган ошиқ йигитни учратиб ўзини унинг бағрига отиб, ҳушидан кетиб қолибди.

Ошиқ йигитнинг юзига томган кўз ёшларидан холам ўзига келибди. Севишганлар бир-бирларини бағирларига босиб йиғлашибди. "Сени қаттиқ соғиндим, Замирагинам", - деди йигит. - Ҳар куни бизнинг пок севгимизга гувоҳ бўлган тоғ бағрига келиб ҳаёлан сен билан сирлашаман. Шу бугун учратганимни юрагим сездим. Сени кўрдиму, учундан юрагим ёрилаёзди. Раҳмдил Аллоҳнинг борлигига яна бир қарра иймон келтирдим. Бугун тонгда туш кўрибман. Тушимда бир чиройли катта боғ, мевалар ғарқ пишган эмиш. Уша боғда иккаламиз қўл ушлашиб бирга юрган эмишимиз. Бир пайт олдимиздан оппоқ соқолли бир чол қиқиб: сизлар ҳали ёш экансизлар, бу боқий дунёнинг боғига нега кирдиларингиз, ўзларининг дунёларингда ўйнаб қолсаларингиз бўлмасмиди, деди. Шунда мен, у дунёда бизни ажратиб юборишди, майли бу дунёда бўлса ҳам бирга бўлсак розимиз, - дермишман.

Эрталаб ўрнимдан турсам онам гап бошлаб қолдилар: "Болам, мен ҳам қариб қолдим. Кўзим тирикчилигида бошингни иккита қилсам дейман. Энди Замирангни унут. Шу пайтгача бироз совусин, деб индамай юргандим. Қарасам борган сари тутдай тўқилаяпсан. Онани яратмасин экан, сенга қараб мен эзилиб кетаяпман. Биронта қизни танла, уйлантириб қўяман. Зора, кели билан овуниб, ўша қизни ҳаёлингдан қачириб ташласанг. Энди у қиз ҳам сени унутганидир ахир?"...

Йўқ, йўқ, онажон. Замира менин юрагимни ўзи билан олиб кетган. Биз бир-биримизсиз яшай олмаимиз. Замирани бир кўрмасам бу дунёдан армон билан ўтиб кетаман, дедим бу ёққа қараб юргудим. Йўлда бир минут югуршдан тўхтасам, сени кўрмай қоладигандек юрагим ҳовлиқа бошлади ва билдимки, бугун албатта, сени бир кўриш насиб қиладиган бахтиёр куним экан, - деганича севглисининг пойига тиз чўкибди. Айрилиққа чидалмаган Туробжон, Замиранинг пойида жон берибди. Буни кўрган киз бехуш йиқилибди. Уша пайтда келиб қолган холамининг эри эса иккаласини ваҳшийларча чопиб ташлабди...

Бу воқеадан кейин ўша ошиқ йигитнинг онаси ҳам, бувим ҳам болаларининг доғини кўтара олмай тез кунда бу дунёдан кўз юмган экан.

Ялт этиб эсимга тушган бу мудҳиш тафсилотдан бувимнинг руҳи ҳаққи онажонимни ўйлаб, тақдирга тан беришга, кўнишга аҳд қилган эдим.

Тез кунда тўйимиз бўлди. Мен энди эрим билан иноқ бўлишга, ундан нуқсон эмас, фазилат ахтариб яшашга ҳаракат қилардим. Ҳаёлимда ёмон яшамаётгандик. Иккаламиз бир яхши гаплашиб ўтирдик. Эрим Тошкентга ўқиб юрган даврлари, орттирган дўстлари, бўлиб ўтган қизиқ воқеалар ҳақида га-

пириб берарди-ю, негадир бирдан хомушланиб қоларди. Ҳайрон бўлардим. Назаримда эрим мендан ниманидир яшираётгандек туюларди. Шундай кунларнинг бирда ўзимни бошқача сезаётганлигимни айтдим. Эрим дарров тушунди. Хурсанд бўлди. Лекин барибир менга унинг қувончи ҳам яримдек туюлди.

Эрта баҳор эди. Уйдагилар бизни жиянимнинг туғилган кунига чақириб кетишди. - Бирга борамизми? - жилмайдим эримга қараб.

- Йўқ, сен боравер, мен боролмайман. Бизнинг оиламизда хотинга эргашиб ҳадеб қайнона-қайнотасиникига бораверишни отам ёқтирмайди. Уйланганига анча бўлганига қарамасдан акаларим ҳам ҳали бирон марта қайнотасиникига борган эмас, - деб қўшиб қўйдилар. Бу гапни эшитиб ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, қайнотамнинг жаҳли ёмон. Оилада ҳеч ким унинг гапни икки қилмасди. Келинларга эса худди чўрига қарагандек қарар, эрталабдан кечгача ўтидан кириб, сувидан чиқсанг ҳам қовоғини очмас, сир бой бермас эди. Аксинча, босган қадамнинг айб ахтаргандек кузатарди. Бизнинг оилада эса келинга муносабат умуман бошқача - яхши муносабатда бўлишарди. Келиноним уйда ўзини худди маликалардай ҳис қиларди. (Акам яхши куриб шаҳардан уйлангандилар) Бизнинг уйда келинни хафа қилиши мумкин эмас, отам бунга йўл қўймади.

Шундай қилиб мен жиянимнинг туғилган кунига ёлғиз ўзим боришга мажбур бўлдим. Ясатилган дастурхон, меҳмонлар даврасида туғилган кун ҳам ўтди...

Эртасига уйимга кета туриб келинонимга, "биласизми, негадир шунақангиз кабоб егим келаяпти", - деб юборибман. Келиноним: "Қабоб бўлса, кабоб-да, юрнинг, бир Мингчинорга бориб кабобчўрлик қиламиз", - деб кўярда-қўймай, мени эргаштириб қолдилар. Мингчинорга мазаза қилиб гаплашиб ўтириб кабоб едик. Келиноним нукул, "сиз эмас, кабобни бола талаб қилаяпти, агар кўнглингиз тусоганда эмасангиз, бурни пучук бўлиб қолади", деб кулдириб ўтирардилар.

Тушдан кейин уйга келсам ҳужайимнинг қовоғи солиқ ўтирибди. Каердан келаяпсан, деб сўрадилар.

Мен келиноним билан кабоб еишга борганимни айтдим. Мен сенга уйингга боришга рухсат берган эдим. Кабоб еишга эмас, - деганча юз-кўзим аралаш шапалоқ тортиб юборди. Нега отамни кўриб, кўрмаганга олдинг. Менга нисбатан ҳурматсизлик қилди, бу хотининг, ҳозирдан шунақа бўлса, кейин қанақа хунар чиқаради, - деб менинг сиқиб сувимни ичди. Агар сенга келиноним ҳужайин бўлса, ўшанинг олдига йўқол, - кўзимга кўринма, - деб бу юзимга ҳам шапалоқ тортиб юборди. Оғрик зарбидан кўзларимдан ёш чиқиб, бошим айланиб кетди. Ўзимни йўқотиб, қандай қилиб кўчага отилганимни ҳам билмай қолдим. Кўзларимдаги жиққа ёш билан ота-онамникига кириб бордим. Кечagina меҳмон бўлиб келиб кетган уйимга, бугун йиғлаб қайтиб келганимни кўриб уйдагилар ҳам хангу-манг бўлиб қолишди. Бўлган воқеани айтиб бердим. Ҳомилдорлигимни билгани учунми отам, онам лом-ним

демади. На мени, на уларни айбдор қилишди.

Қабоб еиш менга жуда қимматга тушганлигини мен кейинчалик англаб етдим. Онамникида шу юрганча етти ой қолиб кетдим. Мана шу оилар ичда кўпни кўрган ота-онам ҳам бирон марта, "юр болам, уйингга олиб бориб қўяман, иссиқ уйингни совутма", - дейишмади. Тўйгача кунора "қуда-қуда"лаб эшигимизни бузган қайнотам ҳам лоқал бир марта қорасини кўрсатмади. Хуллас, иккала томон ҳам инсоннинг тақдиридан ўз гурурини баланд қўйган инсонлар эди. Мен бўлса қорним дўппайгани сари ич-ичимдан эзилар, дярли ҳар куни, лоқал эрим келиб қоларимкан, - деб кутардим. Наҳотки, унга барибир бўлса, шунчалик кечиролмас гуноҳ қилган бўлсам? Ахир мен еган шапалоғимни аллақачон унутиб юбордим-ку? Наҳотки, оддий инсоний ҳис-туйғулар унга бегона бўлса, ёки соғинч хисларни қийнамасмикан, балки бу ерда бошқа бир гап бормикан?, - деган саволлар тинчлигимни бузарди.

Уйга келганимдан сўнг олтинчи ой деганда кўзим ёриди. Она бўлганимдан хурсанд бўлдим. Лекин боланинг отасиз ўсишини эсласам, юрагим орқага тортиб кетарди. Бунинг устига ота уйда эмас, балки тоғанинг уйда туғилиб, кўз очган чақалоқ, менин назаримда бу уйдагиларга ҳам қувончдан кўра кўпроқ таъшиш келтиргандек эди...

Бир куни келинонимнинг акамга қарата: "Уша аразлаб келганини эртасигаёқ хайдаб юборишингиз керак эди, мана энди боласи ҳам дардисар бўлди. Бу уй меники, синглингиз энди қачонгача туради. Уйимни бевахонага айлантиришларига йўл қўймайман", - деганини беҳосдан эшитиб қолдим. Юрагимга ханжар санчилгандек бўлди. Кечаси билан беғуноҳ чақалоғимни бағримга босиб йиғлаб чиқдим.

Уша куни тонг отгунча қилган нолаларим Аллоҳнинг олдида ижобат бўлдим, эрталаб қайнонам кириб келдилар. "Неварали бўлганимни эшитиб келавардим. Биздан хафа бўлмаганг, келин, сизни олиб кетгани келдим". Қайнонамнинг гапига жавобан на отам, на онам (худди ҳозир бир нима деб гапирса, яна мени ташлаб кетадигандек) лом-ним демади. Биргина менин қалбим галаён қиларди: "Мен сизларга нима ёмонлик қилган эдим, келин зотидан шунчалик зада бўлганмидинглар? (Қайнонамнинг мендан бошқа тўртта келини бор эди) Орадан етти ой ўтиб сизни қайси куч, нима бу ерга келтишга мажбур қилди. Шунчалик тошмехрмисизлар?", деб йиғлагим келарди-ю, қандайдир андиша мени ушлаб турарди.

Келинонимнинг гапи менга қаттиқ ботган экан, ўша куни индамай қайнонамга эргашшга мажбур бўлдим.

Келинлик уйимга келсам ҳамма жамулжам экан. Овсинларим, қайнисингиларим билан қуришаяпману, кўзимнинг қири билан эримни қидираман. Негадир у киши кўринмасди. Секим уйимга кирдим. Ҳеч ким йўқ эди. Чақалоқни эмизиб ўтиргандим, ёнимга кичкина қайнисинглим келди. "Кенжатай, акангиз қаерда?" зўрга сўрадим: Сиз кетгандан кейин акам ҳам Тошкентга кетувдилар, - жавоб берди қизча.

(Давоми бор).

Зебонинг дил ихзорини Нафиса Аннаева ёзиб олди.

А угун биз тахририятга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиҳовни таклиф этдик. Ва унинг ҳали ҳеч кимга, ҳатто энг сеvimли томошабинга ҳам тухфа этмаган суҳбатларидан, чўнтакларни тўла об-разларидан жиндаккина "ўғирлаб олдик".

- **Равшан ака, сизни халқимиз кўпроқ "Бозор кўрмаган йигит" видеофильми орқали яхшироқ билишади. Ушбу видеофильм сиз рол ижро этганингиз учун муваффақиятли чиққанми? Эки...**

- Биринчидан видео-

сида яшаш мураккабми, ёки театр сахнасида?

- Мен сахнада рол ижро этаётганимда ўзимни жуда ҳам эркин ҳис қиламан. Мени кўпроқ сахнага етиб бориш жараёнидаги майда-чуйда, икир-чикирлар қийнади. Масалан: Таниқли бир қизиқчи билан битта кинода рол ижро этишимиз керак эди. Сценарий бўйича қизиқчи "кўркув" кўринишини очиб бериши керак. Мана шу кичкинагина кўринишни у 8 марта такрорлади. Барибир табиий чиқмади. Ахийри режиссёр ўша ҳолатни фильмдан олиб

Оиламиз меҳмони

- **Сиз кўпроқ сахнада комик образлар ижро эта-сиз. Ҳаётда эса аксинча, жиддий, тўғрисиўз одам-сиз. Бу сизга панд бериб қўймадимми?**

- Инсон учун энг катта фожеа ўзини-ўзи алдаб, инкор этиб яшаш. Мени юрагим қандай ураётган, виждоним нимани сўзлаётган бўлса шундай яшайман. Бир шоир айтган экан:

Бу олам ҳамиша шун-доқ чатишган.



ҲАЁТДА ҲАР КИМНИНГ ЎЗ НАСИБАСИ БОР

фильмни сценарийси яхши ёзилган. Қолаверса ижрога театр тўпроғини ялаб катта бўлган актёрлар таклиф этилган. Қизиги шундаки мана шу фильмдан сўнг барча йигитларимиз бозор кўриб кетди. Қани айтингчи, ё ҳозир бозор кўрмаган йигитларни кундузи чироқ ёқиб топиб бўладими? Йўқ. Ҳатто баъзи ёшларимиз санъатни ҳам ташлаб ўзларини бозорга ураётдилар.

- **Ўзингизда ҳам театрдан кетиб, бошқа ишларга қўл уриш ҳолатлари учраганми?**

- Ҳа, албатта. Ёшлигимда театрда бир-икки зарбага учраганман. Лекин уни ташлаб кетиш ҳолати бўлмаган.

- **Бугунги ёшлар ижодига қандай қарайсиз?**

- Фақат талантлиларни ҳурмат қиламан. Истеъдоди борлигини сезиб қолсам қўллаб-қўлтиқлашга ҳаракат қиламан.

- **Сиз учун ҳаёт сахна-**

ташлади.

- **Қизиқчи актёр бўла оладими?**

- Йўқ.

- **Нима учун?**

- Қизиқчи одамларни оғзаки ижро орқали фақатгина кулдиради. Актёр эса ҳам кулдиради, йиғлатади, керак бўлса ўйлатади.

- **Равшан ака, кейинги пайтларда ўзбек сахнасида умуман санъатга бегона бўлган одамлар пайдо бўла бошлади...**

- **Нима учун шундай ҳол юз берапти?**

- Ҳозир кўпчилик ёшлар санъатни ўз қаричлари билан ўлчайдиган бўлиб қолишган. Иқтидори борми, йўқми санъат эшигидан бир мўралаб қўйишяпти. Ўзбек кино ва театр санъатини ривожлантириш, ҳаммабоб ва оммабоб бўлиши учун бизга юқори савияли асарлар керак. Биз ҳозир томошабинни ўйлатиш эмас, енгил-елпи кулдириш томонига ўтиб олганмиз.

Кимдир етишмаган, кимдир етишган...

- **Агар мен сиздан ўзингизга ёққан салбий образ қайси деб сўрсам нима деб жавоб берасиз?**

- Ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" фильмидаги Нормурод коммиссар образи ёқади.

- **Нега?**

- Чунки ёзувчи бутун қаҳрини шу образ зиммасига юкланган. Ва Нормурод образи бутун Ўзбекистон халқини нафратига учраган десам муболага бўлмайди. Мен шунки имкон қадар очиб беришга ҳаракат қилдим.

- **Суҳбатимиз сўнггида оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

- Аёлим ҳамшира бўлиб ишлайди. Уч нафар фарзандим бор. Эл қатори оддий яшаймиз.

- **Тахририятга ташрифингиз учун ташаккур.**

Нигора Йўлдошева суҳбатлашди.

Шеърят бўстонига умид билан кириб келаётган Термиз Давлат Университетининг талабаси, Сафартош Шаймардонова шеърлари самимийлиги ва жозибаси билан қалбларга хуш кайфият бахш этади. Сафартошга ижоднинг азиз-лазиз дақиқалари ҳамиша ҳамроҳ бўлсин, дея тилак билдирамиз.



ГУРУР

Кетсинлар майлига бизни ёт этиб, Биз сизгамаган кўнгиллари шод этиб. Тилимиз қолсада фигон дод этиб, Кўй, юрак, йиғлама куймаймиз энди, Ундай бевафони суймаймиз энди.

Бизнинг боғимизнинг баҳорлари кўп, Андалиб куйлаган наҳорлари кўп. Йўлимизда гуллар очилмай тўп-тўп, Кўй юрак, йиғлама куймаймиз энди, Ундай бевафони суймаймиз энди.

Бизнинг вафо отлиғ қалқонимиз бор, Бошимизда ишқдек хоқонимиз бор. Кетсалар на гам, на парвойимиз бор, Кўй, юрак, йиғлама куймаймиз энди, Ундай бевафони суймаймиз энди.

Энди кўзимизни намлатмаймиз, йўқ, Энди дилимизни ғамлатмаймиз, йўқ, Унинг бахти бордир, саодати йўқ, Кўй, юрак, йиғлама куймаймиз энди, Ундай бевафони суймаймиз энди.

КУРСДОШЛАРИМГА

Сурхонга ҳали кўп баҳорлар қайтар, Қайтар гул ишқиде ёнган булбул маст. "Курей-курей"ини айтиб турналар, Қайтар аргимчоғин солиб жуда паст. Дўстгинам, тўйиб боқ талабаликнинг, Баҳори биз учун энди қайтмайди.

Шабнамга чўмилар майса ҳали кўп. Қирларда бойчечак тебратгади буй. Гуллар ифорини ўғирлаб қочган, Шаббода кўнгилга ташлаб ўтар йўл. Дўстгинам, тўйиб боқ, талабаликнинг, Баҳори биз учун энди қайтмайди.

Ҳали кўп кезамиз қизғалдоқзорни, Такрор чорлайверар сайилга лола, Ҳали қаршилаимиз не-не баҳорни, Ҳали бошимизда не ёмғир жола, Дўстгинам, тўйиб боқ, талабаликнинг, Баҳори биз учун энди қайтмайди.

Юзинг бос ялғизнинг япроқларига, Қулоқ тут қалдирғоч "валфажри"-га, Баҳори ўтмоқда талабаликнинг, Қандоқ кўникамиз унинг ҳажрига, Дўстгинам, тўйиб боқ, талабаликнинг, Баҳори биз учун энди қайтмайди.

Бизлар содда эдик ва ёки гўлроқ, Мусаффо кўнгилда ишончдан мўлроқ, Не-не савдоларни бошдан ўтказиб, Ҳаёт сабоғидан дарс берган кўпроқ, Дўстгинам, тўйиб боқ, талабаликнинг, Баҳори биз учун энди қайтмайди.

Сафартош ШАЙМАРДОНОВА,
Термиз Давлат Университети
Ўзбек филологияси
факультетининг 1V-курс талабаси

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.40
Босишга топширилди - 21.30

ҲОМИЙ
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33122 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расом — Н.ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Н.Йўлдошева.